

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

591 Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 мартдаги ПҚ–2826-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 июнь,
429-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 27 июндаги 429-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

а) «в» кичик банднинг иккинчи хатбошидаги «алоқа ташкилотлари» сўзлари «пенсия ва нафақаларни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «г» кичик банднинг олтинчи хатбошидаги «O`ZBEKISTON ROCHTASI» АЖ» сўзлари «Пенсия ва нафақаларни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 36-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Агар ушбу Низомнинг 35-банди «а» — «г» кичик бандларида кўрсатилган даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра ушбу Низомнинг 35-банди «а» — «г» кичик бандларида кўрсатилган фақат бир давр қўшиб ҳисобланади. Иш стажини ҳисобга олишнинг шундай тартиби ушбу Низомнинг 35-банди «д» — «и» кичик бандлари учун ҳам қўлланилади.

Ушбу Низомнинг 35-банди «а» — «г» ва «д» — «и» кичик бандларида кўрсатилган даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига ушбу Низомнинг 35-банди «а» — «г» кичик бандларида кўрсатилган даврлардан бири қўшиб ҳисобланади.

б) 85-банднинг иккинчи ҳатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Иш ҳақи тўғрисида архив маълумотлари мавжуд бўлмаганда, иш ҳақи миқдорини аниқлаш 2005 йилдан кейинги давр учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек 2015 йилдан кейинги давр учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан келиб чиқиб амалга оширилади»;

в) 87-бандга қуйидаги мазмундаги ҳатбоши қўшилсин:

«Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқи берилган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланмаганлиги сабабли иш стажига қўшиб ҳисобланмаган даврлар меҳнат фаолиятининг охириги ўн йиллик даврига киритилмайди»;

г) қуйидаги мазмундаги 113¹-банд қўшилсин:

«113¹. Ушбу Низомнинг 112-банди «и» кичик бандига асосан пенсияга устама Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги низомга мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида белгиланади.

Ушбу Низомнинг 112-банди «к» ва «л» кичик бандларида назарда тутилган пенсияга устамалар пенсионер Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 20 октябрдаги ПФ–1280-сон Фармони жорий қилинадиган республика театр-концерт ташкилотларидан ёки театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи таълим муассасаларидан ишдан бўшагандан сўнг пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кундан бошлаб белгиланади»;

д) 149-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«I гуруҳ ногиронлиги белгиланганда»;

е) 157-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«157. Ишламайдиган пенсионерларга пенсия яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан пенсияни етказиб бериш (топшириш) юклатилган ташкилот ёки пенсионернинг хоҳишига кўра пул маблағларини фуқароларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланади.

Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

ж) 160-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«160. Пенсия тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ташқарисида расмийлаштирилган ишончномага ушбу ҳужжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилиши лозим, бундан Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар конвенциясининг (Минск шаҳри, 1993 йил 22 январь) иштирокчи давлатлари — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар мустасно.

Бунда ишончнома берган шахс Пенсия жамғармаси бўлимларидан бирига бир йилда камида бир марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсионернинг келиши имконияти мавжуд эмаслиги (соғлиғи туфайли, даволаш муассасаларида, шу жумладан руҳий касаллар учун стационар даволанишда бўлиш) тўғрисида маълумотлар олинганда, Пенсия жамғармаси бўлимлари ходимлари тайинланган пенсияга бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун пенсионер турган жойга чиқишлари мумкин.

Пенсионер хорижий давлатда бўлган ва соғлиғи туфайли Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат этиши мумкин ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт.

Ишончнома пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинмасида сақланади. Бунда пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинмаси ишонч билдирилган шахс томонидан ишончнома тақдим этилган санадан бошлаб ўн кун муддатда Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинмасининг асосий муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган ишончнома нусхасини юбориши шарт»;

з) 163-бандга «Чернобиль ҳалокати оқибатида III гуруҳ ногиронлигини олган шахслардан ташқари» сўзлари қўшилсин;

и) 168-банднинг иккинчи хатбошидаги «беморлар учун» сўзларидан кейин «, шу жумладан суд қарори бўйича» сўзлари қўшилсин;

к) қуйидаги мазмундаги 168¹-банд қўшилсин:

«168¹. Ўқувчиларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси улар 18 ёшга тўлгунга қадар тўланади. Бунда Пенсия жамғармаси бўлими ҳар йили таълим муассасасига ташриф буюрган ҳолда таълим олинаётганлиги ҳолатини белгилаш юзасидан мониторингни амалга оширади»;

л) 169-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«169. Пенсияга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги ўн икки ойдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Бунда ўтган давр учун тўловлар бир йўла тегишли ойлار учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ва олинмаган пенсиянинг суммаларига мос миқдорда тўланади»;

м) 170-банднинг биринчи хатбошидаги «почтанинг таркибий бўлинмалари» сўзлари «почта» сўзи билан алмаштирилсин;

н) 171-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«хорижий давлатда бўлган даврида пенсия (ижтимоий нафақа) олганлиги ҳолати аниқланганда»;

о) 172-бандда:

учинчи хатбошидаги «почта алоқаси ташкилоти» сўзлари «пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қўшилсин:

«суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлайдиган шахсларни қидиришга эълон берилганда, бедарак йўқолганда;

ишончнома берган шахс унга тайинланган пенсияга ҳуқуқини тасдиқлаш учун белгиланган муддатда келмаганда»;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

п) 175-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Оила аъзоларининг пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турганлиги ҳолати ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган маълумотлар асосида белгиланади»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги «6 ойдан» сўзлари «олтмиш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 179-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«179. Олти ой аввал пенсия тўлаш пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот орқали бир марталик ведомость асосида, шунинг-

дек тижорат банкининг филиалида пенсионернинг номига очилган банк ҳисоб рақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилади»;

с) 186-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратига» сўзлари «Пенсия жамғармаси бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин;

т) 187-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

у) 188-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати» сўзлари «Пенсия жамғармаси бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг» сўзлари «Пенсия жамғармаси бўлимининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ф) 191-банднинг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсия жамғармаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали чет элга ўтказилиши керак бўлган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида тайинланган пенсиялар суммасининг ўз вақтида жўнатилишини таъминлайди.»

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат» сўзлари «меҳнат шартномаси асосида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг тўртинчи хатбошига «банд бўлган» сўзларидан кейин «, шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган» сўзлари қўшилсин;

в) 19-банднинг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган шахсий ёрдамчи хўжалигида қорамол мавжудлиги ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан бандлиги тўғрисида маълумотнома — қорамол ўстириш ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан шуғулланувчи шахс учун».